

## ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Абдувалиев Нодирбек Меликузиевич

АндДУ Педагогика институти магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6597229>

**Аннотация.** Ушбу мақолада инновацион таълим воситалари, ва улар ёрдамида технологик таълим ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштириши технологияси ҳақида баён қилинган.

**Калим сўзлар:** инновацион таълим, касбий компетентлик, технология, интернет, компьютер, креативлик, инновация.

## ТЕХНОЛОГИЯ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГОВ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ СРЕДСТВ ОБУЧЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье описаны инновационные средства обучения, а также технологии повышения профессиональной компетентности педагогов технологического образования с их помощью.

**Ключевые слова:** инновационное образование, профессиональная компетентность, технологии, интернет, компьютер, творчество, инновации.

## TECHNOLOGY TO IMPROVE THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION ON THE BASIS OF INNOVATIVE TEACHING AIDS

**Annotation:** This article describes the innovative teaching tools, and the technology to improve the professional competence of technology education teachers using them.

**Keywords:** innovative education, professional competence, technology, internet, computer, creativity, innovation.

### КИРИШ

Бугунги кунда миллий таълим тизимида, амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бир қатор инновацион ўзгаришлар рўй бермоқда.

Таълим жараёни замонавий педагогик ва ишлаб чиқариш технологияларни янгилаш ва жорий этиш ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали моделлари ва механизмларини яратишга қаратилган.

Республикамызда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва касбий таълимнинг халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш мақсадида изчил ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларида “таълим тизимида инновацияларни ишлаб чиқишни таъминлаш” [1] назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” [2] каби устувор вазифалар белгиланган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Юқори малакали кадрларни тайёрлашда таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш амалиётига жорий қилиш учун таълим муассасаларида бўлажак технологик таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнининг умумий тамойиллари ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашнинг самарали метод ва воситалари А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизхўжаева, Ф.Р.Юзликаев, В.Н.Беспалько, шахс фаолиятининг мотивацион муҳитини яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг назарий масалалари Р.З.Гайнутдинов, П.А.Рудик, М.Г.Давлетшин, Ш.Э.Курбанов, С.Л.Рубинштейн ва Н.Ф.Тализиналарнинг илмий ишларида ўрганилган.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари А.И.Воробьев, Б.А.Назарова, П.Т.Магзумов, Т.А.Маленко, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабаев, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақуловларнинг тадқиқотларида ишланган бўлса, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва методик асослари Р.Х.Жўраев, У.И.Иноятов, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, З.Қ.Исмоилова, Д.О.Химматалиев, М.Б.Уразова, О.А.Қўйсинаев, А.А.Алимов ва бошқа педагог олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Инновацион таълим воситалари асосида технологик таълими ўқитувчилари методик компетентлигини ривожлантириш ҳам мураккаб педагогик тизимдир. Давлат таълим стандартлари замонавий педагогга қўйиладиган малака талаблари комплексини белгилаб беради.

Қуйидагилар бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини таъминлаб берувчи асосий талаблар ҳисобланади:

- ўқитувчининг таълим олувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар;
- таълим олувчиларнинг билимини назорат қилиш ва ҳолисона баҳолаш маҳорати.

Ўқитиш маҳорати касбий лаёқат ва эрудиция, психологик-педагогик тайёргарлик, таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати, ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш, янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар, педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари, илмий-педагогик ижодиёт методологиясини, педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, предметлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати, риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш билан белгиланади.

Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро)

1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”[3].

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган.

Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) - таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

“Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган. Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рўй беради. Таълим амалиётида инновацион таълим воситаларининг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Замонавий шароитда тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [4].

### **МУҲОКАМА**

Бугунги кунда амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модул-кредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш) ва маҳорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур.

Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” ни ёритишга хизмат қилади.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик” ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Технологик таълими ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришда инновацион ёндашувларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги каби мотивлар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради. Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини таркиб топтиришдир. Таълим жараёнига ёндашув асосан билим, кўникма ва малакалар мажмуасини шакллантиришга қаратилади. Таълим методлари аввало педагог онгида қайсидир бир йўналишдаги фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида намоён бўлади.

## ХУЛОСА

Инновацион таълим воситалари педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи

куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Ҳозирда олим ва амалиётчилар компетенцияга асосланган ёндашувда инновацион таълим воситаларидан фаолроқ фойдаланиб келишмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида инновацион таълим воситаларини қўллашга тайёрлигини оширишда уларнинг касбий компетенциясини тизимли равишда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // ҚҲММБ: 06/17/5264/0339-сон 01.12.2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.
4. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
5. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.